БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ДЎСТЛАР!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 99 (5390).
1 МАЙ 1984 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Яшасин 1 Май—меҳнаткашларнинг империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашдаги халқаро бирдамлик куни!



ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК БАЙРОҒИ ОСТИДА

Тошкентда меҳнаткашларнинг Биринчи Май намойиши

Бепоён ва ажойиб она-Ватанимиздаги ҳар бир шаҳар, қишлоқ, ҳар бир уйда шодиёна айём: қўшиқлар янграмоқда. Чеҳраларда табассум балқимоқда. Бугун катта ва шодиёна байрам — Биринчи Май.

Тинчлик, меҳнат, озодлик, тенглик, қардошлик, бахт-саодат. Бу сўзлар барча мамлакатлар меҳнаткашларининг синфий жангларда қўлга киритган халқаро бирдамлик байрамининг принципларини ва интилишларини яққол ифодалайди.

Бу йилги Биринчи Майга совет кишилари ўз ҳаётларидаги катта воқеа сифатида муносиб ютуқлар ва меҳнат совғалари билан келдилар.

КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг нутқларида баён этилган қоида ва хулосалар, кўрсатмалар меҳнат коллективларининг барча иш ва режаларига асос бўлмоқда. К. У. Черненко таъкидлаб ўтганидек, Коммунистик партия сиёсатининг бош мақсади, КПСС Программасининг доимий талаби халқ фаровонлигини муттасил оширишдан иборат.

Совет Ўзбекистони, унинг пойтахти Тошкент бугунги яққол шоҳидидир.

Икки минг ёшли Тошкент тобора ёшариб, гўзаллашиб бормоқда. Меҳнат ва ўқув коллективларидаги майолди тантанали йиғилишларда, Биринчи Май транспарант ва плакатларида келтирилган факт ва рақамлар тошкентликларнинг меҳнат зафарлари, шаҳар меҳнаткашларининг юксак активлиги, гражданлик етуклигидан яққол далолат бериб турибди.

Байрам айёмида Тошкент корхоналари маркаси босилган маҳсулотлар барча республикаларга ва мамлакатимиз областларига юборилаётганлигини айтиб ўтиш ўринлидир. Бу маҳсулотлар халқаро стандартларга жавоб беради. Шаҳримизда тайёрланаётган буюмларни жаҳоннинг 70 та мамлакати бажонидил харид қилмоқда.

Тошкент корхоналарининг меҳнаткашлари бу йил ҳам зарбдорона ишламоқдалар. Биринчи Май арафасида — 27 апрелда улар маҳсулот ишлаб чиқариш тўрт ойлик давлат планини адо этдилар. Планга қўшимча 30 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Биринчи Май намойишининг байрам колонналари бугун она-Ватанга, Коммунистик партияга меҳнат рапортлари бермоқда.

В. И. Ленин номли майдон тантанали байрам либосида. Панно ва плакатлар қуёш нуридан кўзни қамаштиради: уларда Биринчи Май табрик сўзлари битилган. Улар Совет давлатининг тинчликсевар сиёсатини, партиямиз қарорларини бажариш учун совет халқининг фидокорона бунёдкорлик меҳнатини, улуғ Ленин кўрсатган йўлдан оғишмай олға томон бораётганимизни яққол акс эттириб турибди.

Парадлар хиёбонида В. И. Ленинга ўрнатилган улуғвор ҳайкалнинг икки томонида жаҳон пролетариатининг доҳийлари — К. Маркс, Ф. Энгельс портретлари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ва аъзолигига кандидатлари портретлари турибди. СССР Давлат байроғи, барча иттифоқдош республикаларнинг байроқлари кўпмиллатли мамлакатимиз халқларининг бузилмас дўстлиги ва қардошлиги, унинг қудрати ва улуғворлигининг рамзидир.

Майдон узра байрам куйлари янграмоқда, осмон эса мусаффо, ҳаммаёқ гўзал. Репродукторлардан ҳаммамизга яқин ва таниш Ўзбекистон телевидениеси ва радиосининг эшиттиришларни бошлаган вақтда берадиган куйлари янграйди. Улкан майдон бир неча дақиқа сукутга чўмади.

Эрталаб соат 10. Пойтахт куранти жарангдор садолари Биринчи Май намойиши бошланган тантанали дақиқадан хабар беради. В. И. Ленин ҳайкали пойидаги минбарга Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. У. Салимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Ҳудойбердиев, республика партия ва ҳукуматининг бошқа раҳбарлари кўтариладилар.

Минбарда меҳмонлар — партия, уруш ва меҳнат ветеранлари, революцион воқеалар, Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун кураш қатнашчилари, ишлаб чиқариш илғорлари, новаторлари, республиканинг таниқли кишилари турибдилар.

Меҳнаткашлар вакилларининг бош колоннасида — корхоналарнинг ветеранлари, ёш ишчиларнинг мураббийлари, ишлаб чиқариш илғорлари, социалистик мусобақа ғолиблари, беш йиллик зарбдорлари, ватанпарварлик ҳаракатининг ташаббускорлари бормоқдалар. Ҳар бирининг кўксида — шавкатли меҳнатларидан далолат берувчи нишонлар, ҳукуматимизнинг юксак мукофотлари.

Бу тантанага айниқса Тошкент байроғи билан ёнма-ён КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари улуғворлик бахш этиб турибди. Бу мукофотлар ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида Бутуниттифоқ ва республика социалистик мусобақаларида ғолиб чиққан республика пойтахтига, илғор коллективларга берилган эди.

Намойишчиларнинг бош колоннаси билан бир вақтда майдонни ёш физкультурачилар, спортчилар тўлдирадилар. Улар тинчликка, барча халқлар билан бирдамликка, бутун Ер юзида бахт-саодатга интилаётганимизни ўз оммавий чиқишлари билан рамзий маънода ифодалайдилар. Улар КПССга, Совет давлатига ёшлар тўғрисидаги ғамхўрликлари учун миннатдорлик сўзлари изҳор қиладилар. Ленин партиясига, улуғ Ленинга шон-шараф сўзлари янграйди.

Майдонга намойишчиларнинг колонналари — корхона ва ташкилотларнинг, қурилиш ва муассасаларнинг, илмий ва ўқув муассасаларининг вакиллари кириб келадилар. Колонналар К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарларининг портретларини баланд кўтариб олганлар.

Намойишчилар орасида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети бюроси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, шаҳар районлари партия комитетлари ва район ижроия комитетлари маъқуллаган ташаббусларнинг ижодкорлари бормоқдалар. Ташаббускорлар орасида «Ташсельмаш» заводи бригадири О. Карпова, «Ташсантехгазмонтаж» трести бригадири Х. Зокиров, «Тошкент трактор заводи» бирлашмасининг созловчиси М. Туробов, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик бирлашмасининг бичиқчиси Ф. Полтаева, В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг бригадири А. Бобожонов ва бошқа юзлаб ишлаб чиқариш илғорлари бор. Улар меҳнат унумдорлигини планга қўшимча суратда ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш юзасидан шаҳар меҳнаткашларига мурожаат қилдилар. Минг-минглаб турли касб эгалари партиямизнинг эришилган суръатни сақлаб қолиш, вазифаларни амалий ҳал этишда жонбозлик кўрсатиш, халқ хўжалигининг барча соҳаларида меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш юзасидан даъватига амалий иш билан жавоб бермоқдалар.

Байрам колонналарида бугун ўтиб бораётган кишиларнинг кўпчилигини яхши таниймиз. Барча корхона ва ташкилотларда коммунистлар социалистик мусобақанинг олдинги сафида бормоқдалар. XXIV Тошкент шаҳар партия конференцияси ва XXI Тошкент область партия конференцияси делегатларини, «Ташметрострой» трести проходкачиси Р. Холиқов, «Ташсельмаш» заводи токари К. Петякшев, «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмаси тикувчиси М. Зиёдова ва бошқа кўплаб зарбдорларни яхши танишади. Улар шахсий намуна кўрсатиб, ўз бурчларини чуқур ҳис этмоқдалар. Ўзларининг активликлари билан ҳамкасбларини она-Ватанимизнинг шон-шавкати йўлида фидокорона меҳнат қилишга чорламоқдалар.

Минбар олдидан Октябрь райони меҳнаткашлари ўтиб бормоқдалар. Бу ерда контрреволюцияга қарши шафқатсиз кураш олиб борган дастлабки дружиналар жасорати бугунги кунда хотирлаб, эъзозланмоқда, совет халқи ишига чексиз садоқат кўрсатишнинг шонли анъаналари эса бойиб бормоқда. Кўз ўнгимизда «эски шаҳар» таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Авваллари қинғир-қийшиқ кўчалар ва пастак иморатлар ўрнида янги микрорайонлар, саноат корхоналари корпуслари, маданий-маиший бинолар, мактаб ва болалар боғчалари бинолари қад кўтармоқда.

Халқлар дўстлиги майдони комплекси, В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройи бузилмас иттифоқнинг рамзи бўлиб қолди. «Малика», «Средазэнергоцветмет» бирлашмалари, бадиий буюмлар фабрикаси ва бошқа ўнлаб корхоналарнинг ходимлари кўтариб олган транспарантларда «Яшасин Совет Иттифоқи халқларининг мангу ва бузилмас дўстлиги!» деган сўзлар ёзилган.

Намойишчилар колонналари билан бир сафда Чилонзор райони вакиллари ўтиб бормоқдалар. Бу районнинг таржимаи ҳоли катта эмас. «Кичкиналигидаёқ» шаҳар ичидаги шаҳар деб аталган эди. Ҳақиқатан ҳам шундай. Район асосан аввалги қуриб битказилмаган жойларда бунёд этилди. Ҳозир бу ерда кўплаб коллективлар меҳнат қилмоқдалар.

«Ташметрострой» трести коллективи ишлари ҳақида икки оғиз тўхталиб ўтмоқчимиз. Жаҳонда биринчи марта шундай шароитларда метрополитен линияси қурилмоқда, яъни бу ерда ҳам сейсмик хусусиятга эга, ҳам тупроқ шароити мураккаб, ҳам ер ости сувлари яқин. Аммо метросозлар комил ишонч билан бир маромда иш олиб бормоқдалар. Уларнинг бугунги шиори Тошкент метрополитени иккинчи йўлининг биринчи навбатини Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигигача фойдаланишга топширишдир. Бу эса планда кўрсатилган муддатдан ўн тўрт ой барвақтдир.

Киров райони меҳнаткашларининг рапортлари салмоқлидир. Диаграмма ва транспарантлардан кўриниб турибдики, бу ерда жойлашган корхоналарнинг маҳсулотлари жуда хилма-хил. «Ўзбексельмаш» бирлашмасида қишлоқ хўжалик машиналари ва ускуналари ишлаб чиқариляпти. «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотлари, асбоблар ва мосламалар, енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари бор.

Районда шаҳардаги йирик Юнусобод турар жой массиви қад кўтарди. Кейинги йилларда бу ерда минглаб ҳовли тўйлари бўлиб ўтди.

Кировликлар билан ёнмаён Ҳамза райони намойишчилар колоннаси ўтиб бормоқда. Бу — шаҳардаги энг катта саноат районидир. Бу ерда авиасозлар, машинасозлар, енгил, озиқ-овқат саноати ходимлари ишлашади. Бугун уларнинг ёнида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вакиллари ҳам бормоқдалар. Район территориясида жойлашган Фанлар академиясининг Президиуми 50 дан зиёд илмий-тадқиқот институтлари ва бўлинмалари ишини бошқармоқда. Шунинг учун ҳам кўпгина транспарантларда «Фан — ишлаб чиқаришга» деган ёзувларни ўқийсиз.

Байрам колонналари сафида Ленин райони меҳнат коллективлари вакиллари ўтиб бормоқдалар. Бу районда бир вақтлар контрреволюцияга қарши курашда ишчиларнинг ҳақиқий қалъаси бўлган Бош темир йўл устахонаси жойлашган эди. Ҳозир бу устахона ўрнида барпо этилган Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводи ишчилари йил сайин меҳнатни ташкил этишни яхшиламоқдалар, иш самарадорлигини оширибормоқдалар. Улар билан бир сафда электротехника заводи, «Средазэлектроаппарат» бирлашмаси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Нашриёти, «Ташхимсельмаш» заводи ва бошқа корхоналар коллективларининг вакиллари бормоқдалар.

Фрунзе райони байрам колонналарида тўқимачилик комбинати, «Таштекстильмаш» заводи, бинокорлик материаллари комбинати ва бошқа корхоналарнинг ходимлари бор. Уларнинг кўплари Биринчи Май шарафига тўрт ойлик планларини бажарганликлари ҳақида муддатидан илгари рапорт бердилар.

Бу йил фрунзеликлар К. Ёқуббоевага якдиллик билан овоз бердилар. Уни СССР Олий Советига депутат қилиб сайладилар. Чунки у пешқадам ишчи, дилкаш инсондир.

Майдонга шаҳарнинг энг ёш райони — Акмал Икромов райони меҳнаткашлари кириб келадилар. Етти йил илгари ҳаётга йўлланма олган бу район жуда тез тараққий этиб бормоқда. Унинг маҳсулотларини мамлакатимизнинг юзлаб корхоналари қабул қилиб олмоқдалар. Район тобора юксалмоқда. У социал-иқтисодий жиҳатдан ўсмоқда.

Барча районлар сингари Собир Раҳимов райони ҳам ёшариб, гўзаллашиб бормоқда. Бу ерда саноат, қурилиш, социал объектлар кўплаб қуриляпти. Бу ерда Тошкентнинг бошқа районларига қараганда ёшлар жуда кўп. Фақатгина В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг ўзидагина минг-минглаб студентлар таълим олмоқдалар.

Колонналарда ҳамма учун энг зарур сўз — «Тинчлик» деб ёзилган транспарантлар яққол кўриниб турибди. Намойишчилар колонналари руҳи ва кайфиятидан уларнинг севимли она-Ватанимиз экономикаси ва мудофаа қудратини ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкамлашга доимо шай эканликларини кўриш мумкин. Бутун халқимизнинг азму қарори шундай.

Куйбишев райони намойишчилар колонналари майдонга кириб келадилар. Тракторсозлар, кабелсозлар, машинасозлар, олимлар, маданият ходимлари бугун ўзларининг янги муваффақиятлари, келгусидаги режалари ҳақида қувонч билан маълум қилмоқдалар.

Ҳар биримизнинг ҳам орзу-ўйларимиз, амалга ошадиган ишларимиз бор. Парадлар ҳиёбонига кириб келган Сергели райони меҳнаткашларининг ҳам орзулари кўп. Бир пайтлар бўм-бўш бўлган бу ерларда энди ликда шинам замонавий турар жойлар, янги кўчалар, хиёбон ва боғлар қад кўтарди. Корхоналар барпо этилди. Бугунги кунда улар мебель ва темир-бетон конструкцияларини, тикувчилик ва кўн буюмлари, қўйш тўқиш мосламалар ва бинокорлик плиталари ишлаб чиқаришяпти. Намойишчилар колонналари узра кўзга яққол ташланиб турган плакатлар шу ҳақда «ҳикоя» қилади.

Майдондан ўтиб бораётган меҳнаткашлар вакилларининг колонналари шарафига шон-шараф сўзлари, Коммунистик партия, бунёдкор совет халқи шарафига қутловлар, СССР халқлари бузилмас дўстлиги ҳамда меҳнаткашлар халқаро бирдамлиги шарафига табрик сўзлари янграйди.

Минг-минглаб, қувонч ва табассум балқиган чеҳраларга, одамлар дентзигига қараб, беихтиёр қалбингда севикли она-Ватанимиз учун чексиз фахр туйғулари жўш уради. Жаҳоннинг бирон ерида бундай улуғ мамлакат йўқлиги учун ғурурланасан, киши! Тошкентда меҳнаткашларнинг Биринчи Май намойиши бизда ана шундай фахрланиш туйғулари уйғотди.

Ҳ. ИКРОМОВ,
А. ОВЧИННИКОВ.





● Тошкент, 1984 йил 1 Май.

М. Нуриддинов фотолари.

—= тонгги =— газеталарда

● КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг секретари В. Свиргонь бир группа партия ходимлари билан 26 апрелдан 30 апрелгача Москвада бўлди. Улар КПССнинг идеология иши тажрибалари билан танишдилар, СССРда Польша маданнияти кунлари доирасида ўтказилган тадбирларда иштирок этдилар.


КПСС Марказий Комитетининг секретари М. В. Зимянин билан В. Свиргонь ўртасида дўстона суҳбат бўлиб ўтди.

● Польша халқининг намояндалари — қардош мамлакат маданият кунларининг қатнашчилари Совет Иттифоқидан дўстона учрашувлар ҳарорати билан кетадилар. ПХР ташкил этилган куннинг 40 йиллигига бағишланган мана шу санъат ва дўстлик байрами 29 апрель куни Москвадаги Давлат марказий концерт залида «Мазовше» халқ ашула ва рақс ансамблининг концерти билан тугади.

Зўр муваффақият билан ўтган концертда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР маданият министри П. Н. Демичев, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. В. Зимянин, ПБИП Марказий Комитетининг секретари В. Свиргонь, иккала мамлакатнинг маданият арбоблари ҳозир бўлдилар.

● Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги саноат корхоналарининг коллективлари 1 Май байрамини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг кулоч ёздириб, маҳсулот реализация қилиш юзасидан тўрт ойлик планни муддатидан илгари, 29 апрелда бажардилар.

1 МАЙ БАЙРОҚЛАРИ ҚИТЪАЛАР УЗР



ГАЗЕТАНИНГ ШУ СОНИГА РЕПОРТАЖ

МОСКВА. ҚИЗИЛ МАЙДОН

Алвон байроқлар, турли тиллардаги суҳбатлар, байрамона безатилган тарих музейи ва Бош универсаль магазин бинолари — бугун Қизил майдон ана шундай кўриниш касб этган.

Бутун майдон бўйлаб ўрнатилган баланд устунларда қардош республикалар байроқлари ҳилпирайди. Улар орасида Ўзбекистон ССРнинг ҳам байроғи бор. Бу байроқлар улуғ Советлар мамлакати халқларининг бузилмас қардошларча дўстлигини, мамлакатимиз меҳнаткашларининг бирдамлигини ўзида акс эттиради. Владимир Ильич Ленин Марказий музейи, Бош универсал магазин биноларида улкан байрам паннолари ўрнатилган. Қизил майдонга ёндош кўчалар ва майдонлар — Маркс проспекти, Свердлов майдони, Инқилоб майдони ҳам ёрқин плакатлар ва шиорлар билан безатилган.

Бугун бу ерда, пойтахтнинг энг марказида одам гавжум: 1 Май тантаналарини Москвада нишонлаш учун жаҳондаги деярли юзта мамлакатдан ишчилар, касаба союз делегациялари, туристлар келишган. Ана шу одамларнинг ҳексиз тўлқинида москваликлар дарров пайқаш мумкин.

Учинчи даражали Меҳнат Шуҳрати ордени кавалери В. Корчанов бу ерга ўз бригадаси билан келган. У «Метрострой»нинг 10-қурилиш-монт а ж бошқармасида ишлайди. Бу бошқарма ишчилари Тошкент метроси ер ости йўлларини қазишда ҳам иштирок этишган.

— Тошкентлик метросозларга бизнинг самимий байрам табрикларимизни, ишчи саломимизни етказишингизни сўраймиз, — дейди В. Корчанов. — Биз тошкентликларнинг Тошкент метросининг биринчи навбати иккинчи линиясини Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига ишга туширишда юксак мажбуриятларини шараф билан уддалашларига тилакдошмиз. Тошкентлик ҳамкасбларимизга шуни қувонч билан маълум қиламизки, 24 апрелдаёқ биз тўрт ойлик планни муддатидан олдин бажардик. Ҳозир эса «Ленино» ва «Орехово» станциялари ўртасидаги сўнгги юз метр масофани қазишга киришдик. Яқинда бу линия ишга тушади.

Кейинроқ Москва шаҳар касаба союзлар Совети раиси Л. Петров шундай рақамларни келтирди: пойтахтнинг 200 мингдан ортиқ меҳнатчиси 1 Май байрамига шу йилнинг олти ва беш ойлик топшириқларини адо этди. Улардан 60 минги беш йилликнинг тўрт йили ва беш йили марраларини эгаллади.

— Мен эса «Оқшом» газеталари орқали Тошкент тўқимачилик комбинатининг меҳнатчиларига самимий тилакларимни етказишингизни сўрайман, — дейди СССР Олий Совети депутати Н. Орлова бизнинг суҳбатимизга қўшилиб. — Мен машҳур «Трехгорная мануфактура»да тўқувчи бўлиб ишлайман. Беш йиллик шахсий планимни муддатидан олдин бажариб, қўшимча равишда 1,5 миллион метр газлама ишлаб чиқардим. Бугун эса 1984 йилнинг олти ойлик планини бажарганлик ҳақида рапорт бердим.

— Бу беш йилликда барча совет кишилари қатори москваликлар олдида ҳам катта вазифалар турибди, — деб таъкидлади ўз сўзида Л. Петров. — КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленумида ўртоқ К. У. Черненко айтиб ўтганидек, ташаббус ва омма ижодини кенг ёймасдан, ижтимоий ҳаётнинг энг долзарб муаммоларини ҳал қилишга меҳнаткашларни кенг жалб этмасдан уларни бажариш мумкин эмас. Барча йўналишлар бўйича дадил изланиш ва қўшимча резервлардан фойдаланиш москваликларнинг социалистик мажбуриятларни бажаришига гаров бўла олади.

Қизил майдондан пойтахтнинг ҳамма бурчакларига олиб борадиган йўллар жаҳондаги энг йирик ишлаб чиқариш корхоналари, фан ва маданият муассасалари ёнидан ўтади. Биз улардан иккитасида— Лихачев номидаги автомобиль заводида ва «Мосфильм» киностудиясида бўлдик.

Лихачев номидаги заводнинг асосий территориясига кираверишда енгил, аммо ҳақиқий катталикдаги автомобиль моделига дуч келдик. У 1 Май плакатлари, ЗИЛ эмблемаси, корхона мукофотланган бешта орден тасвири билан безатилган эди. Бу конструкция завод ишчиларининг 1 Май намойишидаги байрам колоннасини бошлаб берди. ЗИЛ автомобиллари мамлакатимизни и н г ҳамма бурчакларида, шу жумладан, Тошкентда ҳам эътибор қозонган.

«Мосфильм» киностудиясида эса байрамолди кунларида Владимир Меньшовнинг «Севги ва каптарлар» номли янги картинасини суратга олиш тугалланди. Бош ролда СССР халқ артисти Людмила Гурченко намоён бўлади.

— Тошкент ва тошкентликлар ҳақида ҳамиша мамнуният билан хотирлайман, — деб ҳикоя қилади у.— Яқиндагина пойтахтингизда суратга олинган «Урушсиз ўнгирма кун» номли фильмда суратга тушган эдим. Мана энди яна янги ишлар, янги фильмлар. Эльдар Рязановнинг «Аёвсиз романс» номли картинасида ҳам роль ижро этдим. Энди эса «Севги ва каптарлар» фильми билан бандман. Тошкент санъат усталарига москвалик санъаткорлар номидан қизғин саломлар ва байрам табригини топширинг.

...Байрам кунлари Москва одам л а р билан қайнаб-тошади. Меҳнаткаш Москванинг кайфияти аъло даражада: москваликлар Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигида фидокорона меҳнат қилдилар. «Москва — сортировочная» депосининг меҳнаткашлари 400 минг тонна халқ хўжалиги юкларини ташиб бердилар, иқтисод қилинган материаллардан бир неча қудратли электровозларни ремонт қилиб, юксак онглилик, меҳнат унумдорлиги намунасини кўрсатдилар. Москвалик қурувчилар ҳам яхши натижаларга эришдилар. Улар шаҳарнинг энг муҳим объектларида меҳнат қилиб, пудрат ишлари планини 14,5 миллион сўмликдан ортиқроқ қилиб адо этдилар. Ўн биринчи беш йиллик фондига шаҳар корхоналари ва ташкилотлари 32 миллион сўмликдан ортиқ маблағ ўтказдилар.

Меҳнаткаш Москва пролетар бирдамлиги байрамини муносиб равишда кутиб олди.

Ю. КАЗАЧЕНКО.
Москва шаҳри.





Тинчлик ва меҳнат байрами



Пойтахтимиз Тошкент кун сайин гўзаллашиб, кўркам қиёфа касб этмоқда. Кечагина шаҳар атрофи ҳисобланган жойларда ҳам эндиликда осмонўпар уй-жой бинолари, замонавий корхоналар, боғлар ва ҳиёбонлар вужудга келмоқда. Республика пойтахти индустрияси ҳам тараққий этяпти. Бугунги кунда у пахта териш машиналари, тракторлар, ноёб станоклар ва механизмлар, электрон приборлар ва ҳаво кемалари, ажойиб дастгоҳлар ва тикувчилик механизмларини ишлаб чиқармоқда. Минг-минглаб тошкентликлар Ўзбекистон экономикасини янада мустаҳкамлаш ва унинг гуллаб-яшнашига ўз ҳиссасини қўшишмоқда. Пойтахт меҳнатчилари 1 Май байрами арафасида партияга, Ватанга фахр билан ўзларининг меҳнат ютуқлари ҳақида рапорт беришди. Улар Республика юбилейини янги ютуқлар билан кутиб олиш учун курашмоқдалар.

Тошкентлик метроқурувчилар меҳнат илғорларининг олдинги сафида бориб, пойтахтнинг иккинчи йўналиш ер ости йўли биринчи навбатини муддатидан бир йилдан кўпроқ вақт илгари ишга туширишга астойдил бел боғлашган. Тошкент маркаси билан машина ва механизмлар тайёрлаётган СССР 50 йиллиги номли «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш», «Компрессор», агрегат ва бошқа заводлар ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йили ўтган тўрт ойида плондан ташқари юз минг сўмлаб маҳсулотлар ишлаб чиқаришди.

Т. Каримов фотолари.



УЗБЕКИСТОН — НОҚОРАТУПРОҚ ЗОНАГА

Амалдаги интернационализм

ДЎСТЛИК ДИЁРИ

Мамлакатимиз харитасига назар солсангиз, севимли шоиримиз Ҳамид Олимжон таъриф этган «азамат ўлка», «қуёш қучолмас» бепоён Ватан—Россия заминида оқ ранг билан белгиланган кенгликларни кўрасиз. Ҳозирги кунда Ноқоратупроқ ўлка деб номланаётган бу кенгликларни ўзлаштириш — партиямиз XXVI съездида таъкидланганидек, «шунчалик мураккаб ва зарурки», бунинг учун бутун мамлакатимиз халқлари «ақлл ва ғайрат билан» қизғин кураш олиб бормоқдалар. Бир сўз билан айтганда, касби қурувчи, ирригатор, мелиоратор, гидротехник, механизатор бўлган Совет кишилари илғорларининг ёрдами — Ноқоратупроқ ўлкага ҳужум бошлашди. Улар орасида ҳамюртларимиз, сердуёш Ўзбекистонимиз вакиллари — чўлу даштларда шаҳар тиклаб янги ерлар ўзлаштиришда ниҳоятда бой тажриба тўплаган ака-ука, опасингилларимиз ҳам бор.

Ноқоратупроқ зонани ўзлаштиришда Ўзбекистондан борган турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил, иноқ ва баракали меҳнат қилмоқдалар. Бугун биз ана шу ўлканн ўзлаштираётган шижоаткор, фидойи ҳамюртларимиз ҳақида ҳикоя қиламиз.

Ҳалима қайнонасидан келган хатни шошиб ўқиди.

«...Омонликми? Дилдорани соғиндим, катта қиз бўлиб қолдими? Боғчага қатнаб, яйраб қолгандир. Номозжоннинг хатидан уй олганларингни эшитиб, севиниб кетдим...»

У хатнинг қолган қисмига тез-тез кўз югуртириб чиқди-да, суҳбатимизни улаб кетди.

— Жўнашимиздан олдин бу ерга «Ивановоирсовхозстрой» трестига келишимизни билардик. Етиб келишимиз биланоқ 106-механизациялашган кўчма колоннага юборишди. Ҳамма қаторн вагон уйга жойлашдик. Илк кунларданоқ иш қайнаб кетди. Уйдан чиқаётган кунимиз Ўзбекча одатга кўра қайнонам шарқона насиҳатлар қилди. Ака-ука, қариндош-уруғлар ҳаммаси йиғилиб оқ йўл, омад тилашди. Поезд перронда ўрнидан секин кўзғала бошлаганда қайнонамнинг кўзларидан ёш чиқиб кетди. Қўлидаги тугунча эсига тушиб, шошилиб узатди.

— Вой, тўхтанглар, эсим қурсин, мен... мен сизларга — уччовингга уч кўйлак тикувдим. Бўмазидан — пахмоқ кўйлак, уёқда совуқдир.

— Онажон, рвора бўлибсиз-да!.. У ёқда ҳам ҳозир ёз куни, — тугунчани олаётиб Номозжон (фарзанди-дал) онасини ўпиб қўйди. Кўзимга беихтиёр ёш келди. Олганимиз яхши бўлган экан, келганимиздан кейин кўп ўтмай совуқ тушиб қолди. Аввал ёғингарчилик, кейин қор-қировли кунлар бошланди. Номозжон комплекс қурилиш бригадасига бетончи бўлиб ишга кирди. Мени геодезистликка қабул қилишди. Ишим — ер текислигини ўлчайман, карталайман, кейин қурувчилар қурилиш бошлайди...

— Зерикишга вақт ҳам бўлмаса керак? — атайлаб сўрадим унинг сўзини бўлиб.

— Қайдам! — жавоб қилди у. — Номозжоннинг Толибжон деган ўртоғи бор. Жуда ажойиб йигит. Ҳар кеч ҳамюрт йигит-қизлар уникига тўпланишиб, давра қуришни одат қилиб олдик. Ким хат олган, ким телефонда гаплашган бўлса, Ўзбекистондаги янгиликлар, орзу-ўйлар ҳақида суҳбатлашадиган, радио эшитиб, телевизор кўрсатувларини томоша қиладиган бўлдик. Кейин-кейин бир кун Бектемирдан (ҳозирги Наримонов шаҳри) келишган эр-хотинлар Жамилахон (у билан дугона киришганман) ва Отаула акаларникида, бир кун фарғоналик Жўрахон ва Эркинжонларникида, яна бир кун бизникида навбат билан тўпланиб турдик. Хуллас, кунларимиз бир-биридан завқли, мазмундор бўлиб боряпти.

Ҳалима ҳамма яхши нарсалар ҳақида гапириб, қийинчиликлар тўғрисида айтишни истамасди. Аммо, дастлабки кезларда янги жойга кўникиб кетишнинг ўзи бўлмади. Табиийки, ҳар ким ҳам янги жойда ўзини анчагача бегонадай сезиб, одамларга ўрганолмай юради. Бу ҳис, бу туйғу Ҳалимани ҳам четлаб ўтгани йўқ. Айрим дақиқаларда ҳатто келганига пушаймон бўлган онлари ҳам бўлди. Шундай пайтларда унга касбдоши—жондек дугонаси, Тошкент мелиоратив техникуми талабаси Гулнора Холмуродова: «Ҳали янгисан-да, кўникиб кетасан... Ҳаммаси ўтиб кетади... Бўлар-бўлмасга қисилаверма, оғирроқ бўл», деб далда бериб турди, маслаҳат қилди, иш ўргатди.

Иссиқ жон иситмасиз бўлмайди. Ҳалима шамоллаб қолиб, ишга чиқмаган кунлари, дугоналари Жўрахон, Жамила, Гулноралар унинг ўрнини билдиришмади. Тез-тез хабар олиб туришди. Уларнинг ҳаммаси бу ерга худди БАМ десанти ёшлари каби биринчи эшелонда келишган. Ҳар бири мустақил ҳаёт йўлини қуёшли Ўзбекистон заминидан бошлади. Республикамиз шаҳар-қишлоқларида қанчадан-қанча бинолар қуришган, янги ерлар очишган, каналлар қазиб, сув ҳавзалари тиклашган. Ҳалимахоннинг эса ҳақиқий ҳаёт йўли Номозжонники билан биргаликда қадимий рус, бугунги дўстлик диёри — тўқимачилик ватанидан бошланди. Эр-хотин шу йил Иваново энергетика институтининг кечки бўлимига ҳужжат топширдилар.

Ҳамюртларимизнинг ақиллик ва уддабуррослик билан қилаётган улкан бунёдкорлик меҳнати натижасида улуғ рус диёрининг минглаб гектар қўриғи яшнаган боғ-бўстонларга айланмоқда, кўп миллатли халқлар қаҳрамонона ишларининг рамзи сифатида кўплаб замонавий, бири-биридан чиройли посёлкалар, тураржой массивлари қад кўтармоқда. Бугунги кунда Ҳалима Қўчқорова, Жўрахон Иброҳимова, Жамила Абдураҳимова, Гулнора Холмуродова сингари ўнлаб ўзбекистонлик ёшлар ғайрат-шижоатидан ивановолик меҳнат аҳли ғоят миннатдорлар. Лесное, Сальци, Волот посёлкаларидаги болалар боғчаларида ирригатор, мелиоратор ва қурувчиларнинг 150 нафардан ортиқ фарзанди меҳр оғушида тарбияланмоқда. Автотранспорт корхонаси ходимлари учун Шимск посёлкасида 90 ўринли кичкинтойлар масканн барвақт ишга туширилди.

— Мелиораторлар ва ирригаторларни сеҳрли касб эгалари десам янглишмайман,— сўзида давом этди Ҳалима. — Иваново, Новгород, Владимир областлари асосан ботқоқлик ва бутазорлардан иборат. Ана шу ботқоқлик ва бутазорлар бағридаги ортиқча сувни сўриб олиб ташлаб, ўрнида уй-жой қуриш, экинзорлар барпо этиш биринчи галда мелиораторлар зиммасига тушган. Бундай мелиораторлар бу ерга юртимиздан жуда кўплаб келишди. Улар Туркисиб, Урал — Кузбасс қурилишларини, Мирзачўл, Жиззах даштларини, Сурхон-Шеробод, Ёзёвон қўриқларини, Уст-Юрт бўзларини ўзлаштиришда, Тошкентни қайта тиклашда фаол иштирок этган бунёдкор кишиларнинг ўғил-қизларидир...

Ҳалима «бунёдкор кишиларнинг» деган иборага алоҳида урғу бериб, фахр билан айтди ва совхоз марказида тикланаётган дам олиш клубига ишора қилди.

— Энг муҳими, эндиликда дўстларни таклиф этишга, меҳмон кутишга арзигулик уйларимиз ҳам, дам олса бўладиган клубимиз, ҳатто «Золотой Руно» деган санаторийларимиз ҳам бор. Меҳмон келса бош устига, кўнглини овлаб, дилини хушнуд қилишга қурбимиз етади. Ана клубимизга қаранг. Уни безаш ишларига ҳозирдан машҳур ганчкорлар билан нақшинкорларни таклиф этганмиз. Улар дўстлик диёрида тикланажак клуб безакларини ҳатто ҳозирдан тайёрлаётган ўзлари ҳавас қиладиган даражада чиқаришга бел боғлашган...

Номоз САЪДУЛЛАЕВ.
Тошкент —Новгород—Тошкент.

● БУГУНГИ АФҒОНИСТОН

Инқилобнинг ойдин йўлидан

Бутун жаҳон меҳнаткашларининг халқаро бирдамлик байрами арафасида афғон халқи Афғонистон Халқ Демократик партияси раҳбарлигида амалга оширилган Апрель революциясининг олти йиллигини нишонлади. Халқимиз бу ажойиб санани сиёсий-иқтисодий ва маданий турмушда янги ютуқлар билан кутиб олди. Афғонистон тарихида тубдан бурилиш ясаган бу революцияни, 1 майда Революцион Кенгаш тасдиқлаган ижроия ҳокимиятнинг олий органи — АДР ҳукуматининг составини Совет Иттифоқи, барча социалистик мамлакатлар, бутун жаҳоннинг тараққийпарвар кучлари қўллаб-қувватладилар ва унга бирдамлик билдирдилар.

Ўша пайтда ички ва ташқи аксилинқилобчилар бош кўтарди. АҚШ ва унинг ҳамтовоқлари афғон халқига қарши туҳматчилик кампаниясини кенг авж олдириб юбордилар, одамларни таъқиб этиб ва қуролли ҳаракат қила бошладилар.

Лекин буларнинг ҳаммаси мамлакатни иқтисодий, транспорт, маориф борасида дадил қадамлар билан бораётган тараққиётига тўғаноқ бўла олмайди. Миллий даромад ўсиб бормоқда. Инқилобга қадар эркакларнинг 90 проценти ва хотин-қизларнинг 98 проценти саводсиз эди. Қисқа вақт ичида эски маориф системаси тугатилди. Бугунги кунда социалистик мамлакатлар ўзларининг дўстлик ва мадад қўлини узатмоқда.

Инқилоб давлати Афғонистон Халқ Демократик партиясининг сафларини мустаҳкамлади, жамоат ташкилотларининг аҳамиятини оширди. Маҳаллий ҳокимият органларини мустаҳкамлаш тўғрисида янги қонун жорий этилмоқда. Дастлаб бу қонун халқ муҳокамасига қўйилди, ўрганилди. Яқин кунларда бу қонун кучга киради. Халқ ҳокимиятнинг маҳаллий органларини ўзи сайлайди, халқнинг ўзи давлатни бошқаришда фаол қатнашади. Бу аксилинқилобчиларни тугатишда қўл келади.

Афғонистон инқилоб партияси халқаро майдонда тинч-тотув яшаш ва қўшилмаслик сиёсатини маъқулламоқда.

Бизнинг социалистик мамлакатлар билан муносабатимиз мустаҳкамланиб боряпти. Совет Иттифоқи билан дўстлигимиз сарчашмаси Улуғ Октябрь ва улуғ Лениндан бошланган.

Яхши қўшничилик муносабатлари бизни Совет Ўзбекистони билан боғлаб турибди. Сизнинг Республикангиз мутахассислари Афғонистон халқига янги ҳаёт қуришда яқиндан ёрдам беришмоқда. Улар қурилишларда, ирригация иншоотларида ишлаяпти. Афғонистон Демократик Республикасининг ишчиларини янги касб-ҳунарларга ўргатишмоқда.

Афғонистон Демократик Республикаси ҳукумати барча мамлакатлар билан аньанавий дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ҳамиша қўллаб-қувватлаб келди ва бундан буён ҳам уни ривожлантириб боради.

Афғонистон Халқ Демократик партияси, Афғонистон Демократик Республикаси ҳукумати, афғон халқи тинч-тотув яшаш принципи, қўшилмаслик принципи, интернационал бирдамлик принципи учун кураш олиб бормоқда.

Муҳаммад Насим ЖЎЯ,
Афғонистон Демократик Республикасининг Тошкентдаги бош консули.

ПАРТИЯНИНГ СОДИҚ ФАРЗАНДИ

П. А. Ермолов туғилган кунининг 100 йиллигига



П. А. Ермолов 1884 йилда Воронеж губерниясининг Купянка қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилди. 16 ёшдан Донбасс шахталарида ишлади. 1905 йилда биринчи рус революциясида қатнашди, ўз уйида революцион варақалар бостиришни уюштирди.

1914 йилда Пётр Анисимович тиркичилик ташвишида оиласи билан Туркистонга кўчиб келди. Шу йилиёқ у чор армиясига сафарбар этилди. Перовск (ҳозирги Қизил Ўрдада) хизматни ўтади ва темирйўлчилар ҳамда уларнинг революцион ишлари билан узвий алоқада бўлди. У империалистик урушга қарши солдатлар ўртасида большевистик агитация ишларини олиб борди. Чор маъмурлари уни қамоққа олдилар ва қувғин қилдилар.

1917 йил апрель ойида Пётр Анисимович РСДРП(б) сафига кирди. Вақтли ҳукумат ва империалистик урушга қарши солдат ва ишчилар ўртасида революцион пропаганда ва агитацияни янада кучайтирди.

Уни ишчи ва солдат депутатлари Перовск Совети депутатлигига сайладилар. У Перовск ва Казалинскда жойлашган қисмларнинг солдат ташкилотлари ўртасида алоқа боғлади. 1917 йил майида у солдатлар ўртасида агитация ишлари олиб боргани учун қамоққа олинади. Соқчилар ҳамроҳлигида уни қалъага жўнатдилар. Йўлда ҳалойиқ тўпланди. Митинг бўлди. Унда демократик партия вакиллари, большевиклар сўзга чиқдилар. Революцион солдат ва ишчилар соқчиларни тарқатиб юборадилар. Пётр Анисимович қочишга муваффақ бўлди. У нолегал шароитга ўтди.

Октябрь революцияси ғалабасидан сўнг П. А. Ермолов Перовскда ва Казалинскда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун кураш олиб борди. 1917 йил декабрь ойида у Туркистон республикасининг ҳарбий-граждан фатида кўплаб замонавий, бири-биридан чиройли посёлкалар, тураржой массивлари қад кўтармоқда. Бугунги кунда Ҳалима Қўчқорова, Жўрахон Иброҳимова, Жамила Абдураҳимова, Гулнора Холмуродова сингари ўнлаб ўзбекистонлик ёшлар ғайрат-шижоатидан ивановолик меҳнат аҳли ғоят миннатдорлар. Лесное, Сальци, Волот посёлкаларидаги болалар боғчаларида ирригатор, мелиоратор ва қурувчиларнинг 150 нафардан ортиқ фарзанди меҳр оғушида тарбияланмоқда. Автотранспорт корхонаси ходимлари учун Шимск посёлкасида 90 ўринли кичкинтойлар масканн барвақт ишга туширилди.

— Мелиораторлар ва ирригаторларни сеҳрли касб эгалари десам янглишмайман,— сўзида давом этди Ҳалима. — Иваново, Новгород, Владимир областлари асосан ботқоқлик ва бутазорлардан иборат. Ана шу ботқоқлик ва бутазорлар бағридаги ортиқча сувни сўриб олиб ташлаб, ўрнида уй-жой қуриш, экинзорлар барпо этиш биринчи галда мелиораторлар зиммасига тушган. Бундай мелиораторлар бу ерга юртимиздан жуда кўплаб келишди. Улар Туркисиб, Урал — Кузбасс қурилишларини, Мирзачўл, Жиззах даштларини, Сурхон-Шеробод, Ёзёвон қўриқларини, Уст-Юрт бўзларини ўзлаштиришда, Тошкентни қайта тиклашда фаол иштирок этган бунёдкор кишиларнинг ўғил-қизларидир...

Ҳалима «бунёдкор кишиларнинг» деган иборага алоҳида урғу бериб, фахр билан айтди ва совхоз марказида тикланаётган дам олиш клубига ишора қилди.

— Энг муҳими, эндиликда дўстларни таклиф этишга, меҳмон кутишга арзигулик уйларимиз ҳам, дам олса бўладиган клубимиз, ҳатто «Золотой Руно» деган санаторийларимиз ҳам бор. Меҳмон келса бош устига, кўнглини овлаб, дилини хушнуд қилишга қурбимиз етади. Ана клубимизга қаранг. Уни безаш ишларига ҳозирдан машҳур ганчкорлар билан нақшинкорларни таклиф этганмиз. Улар дўстлик диёрида тикланажак клуб безакларини ҳатто ҳозирдан тайёрлаётган ўзлари ҳавас қиладиган даражада чиқаришга бел боғлашган...

Номоз САЪДУЛЛАЕВ.
Тошкент —Новгород—Тошкент.

1919 йил январ ойида П. А. Ермолов Тошкентдаги эсер-оқ гвардиячилар исёнини тор-мор қилишда актив қатнашди. 1919 йилнинг 19 январида эрталаб П. А. Ермолов Осипов исёни ҳақида хабар топиб, Бош темир йўл устахонасига борди. Туркистон Компартияси Ўлка комитетининг ва Туркистон республикаси Халқ Комиссарлари Советининг ҳаёт қолган аъзолари билан биргаликда Осипов тўдаларига қарши курашни ташкил этди. Шаҳар меҳнаткашларини оқ гвардиячиларга қарши қаҳрамонларча курашди. Исён мағлубиятга учрашдан сўнг П. А. Ермолов Туркистон республикаси Марказий Ижроия Комитетининг аъзоси қилиб сайланди.

Партия ва ҳукуматнинг аъзоси ва раиси, П. А. Ермолов Туркистонда Совет ҳокимиятини қарор топтириш ва мустаҳкамлашдаги, социалистик қурилишидаги улкан хизматларини ҳеч қачон ҳалқ, Байроқ, Қизил Юлдуз орденлари ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

И. АЛИЕВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари доктори.

2 ТОШКЕНТ ВЕТ. ОҚШОМИ
1 МАЙ, 1984 й.

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИККА ЧОРЛАР ДУНЁНИ

МАДҲИЯ

МАЙ ТАРОНАСИ

Бутун шаҳримизнинг гулкум кўчалари, ям-яшил хиёбонларида, боғ-ҳалбимиз ва кўшиқларимизда улуғ байрам — Меҳнат байрамини ғайрият тантана қилмоқда. Май — бу сўз ўзида. Май — бу сўз ўзида гоят бой ва ранг-баранг инсоний ҳаёт, меҳнат ва кўнгил, меҳнат ва кўшиқ тажжонлари, ҳақиқат ва адолат ғалабаси, ёшлик ва севги ҳаёси, ёшлик ва севги мужассамланган мўъжазларини мужассамлаштирган.

Май байрами ҳақида гапирганда, чиройи очган баҳорнинг сеҳр-жозибаси ва мафтун бўлганда, уни улуғлаганда латофатини, тераниликни кўрамиз.

Май—баҳорий илиқлик, зеро бутун борлиқ худди ясаниб кўрк тараткан турган зебо келинчакдек ўзининг бор зийнасини сочмоқда. Гўзаллик шайдоларини осмон мусаффолиги-ю, гуллаб-яшнаган табиат тароватига маҳлиё.

Май — қутлуғ ой. Байрамлар ойи. Жаҳон халқларининг биродарлиги байрами — 1 Майни ифтихор билан, Ғалаба куни —9 Майни ғурур билан нишонлаймиз. Она алласидай ёқимли, қизлар кулгусидай оромбахш баҳор тонгида баркамол инсон —замондошим дадил қадам ташламоқда. Замондошим— довруғли ишчи, моҳир врач, меҳригиё муаллим, зукко олим. Барчаси она-Ватаннинг ардоқли фарзанди.

Баҳор—Майнинг алвон жамолига боққанимда ана шу туйғу, ана шу тарона қалбимга сурур бағишлайди.

О. КАРИМОВА.

ДЎСТЛИК ФЕСТИВАЛИ

КИНО УСТАЛАРИНИ КУТМОҚДА

Тошкент халқаро кинофестивалининг ташкилий қўмитаси ҳамда Кинематографчилар уюшмасининг Тошкентдаги дастлабки учрашувидан кейин 16 кун ўтди. Аммо ўшанда ташкил этилган «Тинчлик, дўстлик ва тараққиёт ва санъат озодлиги учун» шиорининг аҳамияти ҳанузгача бугун ўз кучини йўқотгани йўқ. Ҳозирнинг ўзидаёқ инсониятнинг кўп қисми ва дан ортиқ мамлакатлардан Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг VIII халқаро кинофестивалининг иштирок этишга розилик бергани, дейдими, кинофестиваль бошдиректорининг ўринбосари А. А. Абдуллаев. Улар орасида Ҳиндистон, Мексика, Бразилия, Мексика, Аргентина, Туркия, Куба, Сенегал каби мамлакатларнинг кинематографистлари бор. Афғонистон, Ангола, КХДР, Мозамбик, Непал, Ҳиндистон ўлкаларининг бадиий ва ҳужжатли лентаалари расмий ва информация кўринишида намойиш қилишни билдирганлар.

Бюро АҚШдан ҳам меҳмонлар келишини маълум қилди. Режиссёр Ҳарви Тошкентга келаётганининг «Америка: Гитлердан то МХ ракеталаригача» лентасини кўрсатишни истаётганлигини маълум қилди. Австралия ҳам Тошкент фестивалининг меҳмони бўлади. Шу тариқа барча қитъаларнинг вакиллари ўз асарларини намойиш қилибгина қолмай, шу билан бирга анъанавий ижодий мунозаралар столи атрофида ўз фикрларини айтадилар. Мунозаралар вақтида муҳим ижтимоий проблемаларни ўртага қўйиш ва ҳал этишда, тинчлик, демократия ва халқлар дўстлиги идеалларини қарор топтиришда кино санъатининг жуда катта роли бор неча бор таъкидлаб ўтилди.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари фестивалининг шиори ҳозирги замон илғор кучларининг асосий орзу-умидларига ва муддаоларига реал жавоб беради. Шунинг учун анжуманга жамоат ташкилотлари, давлат арбоблари мутасил зўр қизиқиш билан қарамоқдалар. БМТ, ЮНЕСКО ва Фаластин Озодлик Ташкилоти вакиллари яна Тошкентга келишади. Фестивалда министрлар, маданият ва кино турли ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этадилар.

Бош дирекция бразилиялик режиссёр Нельсон Перейра дос Сантос, япониялик режиссёр Кането Синдо (унинг «Хиросима болалари», «Тақир орол», «Кўр музикачи» лентлари Тошкентнинг фестиваль экранларида намойиш этилган), ҳиндистонлик режиссёр Мринал Сена каби ҳорижий меҳмонларни ғоят қизғин кутиб олишга тайёрланмоқда.

(ЎзТАГ).

• КИНО ЯНГИЛИКЛАРИ

БУЮК ШОИР ҲАЁТИ САҲИФАЛАРИ

Буюк ўзбек шоири давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур» деб аталган йирик ҳомусий асарни яратади.. Бобурнинг жаҳонгирлиги эмас, балки унинг инсонийлик, ватанпарварлик, соф ишқ ва вафони тараннум этувчи шеърлари унинг номини асрлар оша бизгача олиб келди.

«Ўзбектелефильм» киностудиясида яратилган «Заҳириддин Муҳаммад Бобур» телевизион фильми ҳудди ана шу ҳақда ҳикоя қилади. Унда буюк шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўн икки ёшдан ўн олти ёшгача бўлган даврдаги ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўз боради.



Фильмда Бобурнинг ота-боболари, ёшлигининг ўртоқлари, устозлари, ҳаёти ва фаолиятида муҳим из қолдирган кишилар ҳақида ҳикоя қилинади.

РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ●